

Фаришталарни чарчатиб қўйдинг



11:19 / 15.04.2021 6478

Бир киши ҳаж қилди. Ҳаж амаллари тугагач, юртига қайтиш олдидан Каъбанинг эшиги олдига келиб, «Аллоҳга ҳамд бўлсин, У Зотнинг биз биладиган ва билмайдиган барча мақталадиган сифатлари билан У Зотга ҳамд бўлсин. Аллоҳ таолонинг бизларга ато қилган, биз билган ва биз билмайди-ган барча неъматлари учун ҳамд бўлсин», деди ва юртига қайтиб кетди.

Ўша киши кейинги марта яна ҳаж қилганида кетиш ол-дидан яна Каъбанинг эшиги олдига бориб, олдин айтган гап-ларини айтди. Шунда у кишига бир нидо келди: «Сен амал-ларни ёзувчи фаришталарни чарчатиб юбординг. Улар ол-динги ҳажда айтганларингга бериладиган ажру савобни ҳали ёзиб тугатишмаган эди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан